

М а в з у :

Аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Р е ж а :

1. Аҳоли яшаш пунктлари тўғрисида тушунчалар.
2. Аҳоли яшаш пунктларининг турлари ва кўринишлари.
3. Аҳоли яшаш пунктлари эгаллаган ерлар ва улардан фойдаланишнинг хусусиятлари.

1. Аҳоли яшаш пунктлари тўғрисида тушунчалар.

Аҳоли пунктларининг ерлари маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб туради, уларга шу мақсадлар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаҳар (посёлка) ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган. Аҳоли пунктлари ерларининг 2015 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони **219,6** минг гектарни ёки жами ерларнинг **0,49** фоизини ташкил қилади. Ҳаммаси бўлиб республикамизда 122 шаҳар ва 115 шаҳар типигаги посёлкалар мавжуд. Аҳоли пунктлари ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Томор қа ерлар	Ўрмонзорлар		Боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари		Бугазорлар	Бошқа ерлар
		Жами	шу жумладан суғориладигани	Жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан: суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	Жами	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	37,1	5,9	0,2	0,2					5,2		5,4	0,2	11,7						20,0
2	Андижон	12,0	4,7											6,8	0,2	0,2				5,0
3	Бухоро	7,8	0,7			0,1	0,1					0,1	0,1	1,3						6,4
4	Жиззах	10,3	2,1							0,4		0,4		3,0	0,1	0,1	0,1			6,7
5	Қашқадарё	11,4	3,9	0,5	0,4	0,1	0,1			0,3		0,9	0,6	4,9	0,3	0,1	0,2	0,2		5,1
6	Навоий	15,8	0,7			0,1	0,1			4,2		4,3	0,1	1,0						10,5
7	Наманган	17,6	6,9	0,2	0,2	0,3	0,3			0,1		0,6	0,5	8,1	0,1	0,1				8,8
8	Самарқанд	19,2	4,7			0,2	0,2			0,7		0,9	0,1	6,4	0,1	0,1	0,1	0,1		11,7
9	Сурхондарё	10,6	2,4			0,1	0,1					0,1	0,1	3,3						7,2
10	Сирдарё	8,0	2,1											1,9	0,8	0,8	0,1	0,1		5,2
11	Тошкент	38,2	6,4	0,2	0,2					1,3		1,5	0,2	7,8	0,8	0,3				28,1
12	Фарғона	16,7	4,2	0,1	0,1							0,1	0,1	6,7	0,3	0,3	0,1	0,1		9,5
13	Хоразм	6,4	1,5											2,3	0,1	0,1				4,0
14	Тошкент ш.	8,5	4,1											7,2						1,3
	Жами:	219,6	50,2	1,2	1,1	0,9	0,9			12,2		14,3	2,0	72,4	2,8	2,1	0,6	0,5		129,5

Шаҳар ва посёлкалар ерлари таркибига шаҳар қурилиши ерлари, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, дарахтзорлар эгаллаган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ерлари ва бошқа мақсадга мўлжалланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари, захира ерлар киради. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига қишлоқ ва овул ўзини-ўзи бошқариш органлари тасарруфидаги, қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгаллигидаги ерлари киради.

2. Аҳоли яшаш пунктларининг турлари ва кўринишлари.

Шаҳар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қўйидагилар киради:

1. шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари;
2. умумий фойдаланишдаги ерлар;
3. қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;
4. дарахтзорлар эгаллаган ерлар;
5. саноат, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
6. алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари;
7. сув фонди ерлари;
8. заҳира ерлар.

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари



Уй-жой, коммунал – маиший,
маданий – маърифий, саноат, савдо,
маъмурий ва бошқа бинолар ҳамда
иншоотлар қуриш учун берилган
шаҳар ва посёлкалар чегарасидаги
ерлар.

Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари



Шаҳар ёки туман қарамоғида бўлган, юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилган шаҳар, посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари (майдонлар, кўчалар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари, сув ҳавзалари атрофидаги зоналар, ўрмон – боғлар, ҳиёбонлар, қабристонлар, чиқитларни тўплаш ва утиллаштириш жойлари ва шу каби) ерлари. Умумий фойдаланишдаги ерлар муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмайди ҳамда бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлади. Ер кодексининг 64- моддасига мувофиқ йўл ва ариқ тармоқлари эгаллаган ерлардан ташқари ушбу ерлардан туман ва шаҳар ҳокимиятининг қарорига биноан юридик шахсларга ва фуқороларга енгил иморат ва иншоотлар қуриш учун вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида берилиши мумкин.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари



Ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ерлар. Уларга қишлоқлар, овуллар, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерларидаги посёлкалар киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараси туманларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан уларни режалаштириш , қуриш ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади.

Шаҳар ва посёлкалардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар



Аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги микроклимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланган дарахтзорли ерлар. Улар таркибидаги дарахтзорлар билан банд бўлмаган ерларда спорт майдончалари ва бошқа ижтимоий муҳофаза объектларини қуришга рухсат берилади(Ер кодексининг 66-моддаси).

Шаҳар ва посёлкаларда саноат, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар



Тегишли вазифаларни бажариш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқороларга берилган ерлар. Ушбу ерларда иморат ва иншоотлар қуриш талабнома асосида ёки ишлаш даврида шаҳар ёки туман ҳокими қароридан сўнг амалга ошириш мумкин(Ер кодексининг 67-моддаси).

Кўп хонадонли уйлар атрофларидаги ер участкалари



Икки ва ундан ортиқ хонадонга эга бўлган, бир ёки бир неча қавватли, ягона коммунал – маиший хизмат ва кириш – чиқишнинг ягона тизимига эга бўлган уйлар атрофидаги ер участкалари. Ушбу ерлар мазкур уйлар бошқарувини амалга оширувчи ташкилотларга(ЖЭК) маҳалла, уй-жой ширкатларига доимий фойдаланиш учун берилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ер кодекси.
2. Ердан фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма. Бобожонов А.Р
Рўзибоев С.Б
3. Ер ҳуқуқи. А.Нигматов
4. Ер тузиш асослари. Абдураззоқов А.Т.